

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АЛЛАБЕРГАНОВ ДИЛШОД ШАВКАТОВИЧ**

**НЕОНАТАЛ СЕПСИСДА ЛИМФА ТУГУНЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК  
ВА МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Аллаберганов Дилшод Шавкатович**

Неонатал сепсисда лимфа тугунларнинг морфологик  
ва морфометрик ўзгариши..... 3

**Аллаберганов Дилшод Шавкатович**

Морфологические и морфометрические изменения  
лимфатических узлов при неонатальном сепсисе..... 21

**Allaberganov Dilshod Shavkatovich**

Morphological and morphometric changes in lymph  
nodes in neonatal sepsis..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АЛЛАБЕРГАНОВ ДИЛШОД ШАВКАТОВИЧ**

**НЕОНАТАЛ СЕПСИСДА ЛИМФА ТУГУНЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК  
ВА МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib665 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исроилов Ражаббай**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нишонов Дониёр Анорбоевич**

тиббиёт фанлари доктори

**Жўраева Гулбахор Бахшиллаевна**

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Хожа Аҳмад Яссавий номидаги қозоқ-турк халқаро университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй.Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да куни тарқатилди. (2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Р.Дж.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда неонатал даврда сепсис касаллигининг кўплиги, умумий тартибдаги таснифнинг йўқлиги, патогенезининг мураккаблиги, эрта ташхис қўйишнинг қийинлиги, ўлим даражасининг юқорилиги, даволашга кўп маблағ сарфланиши билан белгиланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра (ЖССТ) неонатал даврдаги сепсиснинг глобал эпидемиологик кўрсаткичлари ҳар йили 3 миллион янги туғилган чақалоқларнинг 1,2 миллиони турли касалликлар асоратлари натижасида сепсис билан касалланганлиги аниқланади. Натижада «...организмнинг носпецифик жавоб реакцияси, кейин туғма иммун жавобни, охир оқибатда ўта махсуслашган орттирилган иммун жавобни қўзғатади...»<sup>1</sup>. Неонатал даврда организмнинг иммун жавоби янги туғилган чақалоқларда такомиллашиш даражасида бўлганлиги сабабли инфекцияларга тартибсиз ва уюлмаган ҳолда жавоб бериши мумкин. Аксарият инфекциялар чақалоқлар организмда тез тарқалиб, сепсис ривожланишига олиб келади. Ҳозирги кунда ушбу касалликни даволашда юқори даражадаги ютуқларга эришилган бўлсада, неонатал сепсис муаммолигича долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда неонатал даврда сепсисдан нобуд бўлган чақалоқларни даволашда ва профилактика қилишга қаратилган аниқ бир мезон ишлаб чиқарилмаган. Натижада неонатал даврдаги сепсисдан вафот этган чақалоқларнинг ўлим кўрсаткичлари ҳанузгача камаймаган. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, ҳар хил шароитларда юзага келадиган неонатал даврдаги сепсиснинг турли шакллари патологоанатомик ташхислашни такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ушбу вазифаларнинг бажарилиши неонатал даврдаги чақалоқларда кечадиган сепсис касалликларнинг турли шакллари патологоанатомик ташхислашни такомиллаштириш, даволашнинг замонавий технологияларини қўллаш орқали ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, ҳар хил шароитларда юзага келадиган неонатал даврдаги сепсиснинг турли шакллари патологоанатомик ташхислашни такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам

---

<sup>1</sup>Перепелица С.А. Этиологические и патогенетические перинатальные факторы развития внутриутробных инфекций у новорожденных General reanimatology, 2018, 14; 3 с. 54-67

тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустахкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, неонатал сепсис даврлари бўйича лимфа тугунларнинг асосий морфофункционал майдонларида ривожланадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш ва такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи шуни кўрсатдики, неонатал даврда ривожланувчи сепсис бутун жаҳонда касалланиш ва ўлимнинг асосий сабабчиси бўлиб, соғлиқни сақлаш учун ортиқча молиявий муаммо туғдирмоқда. Хорижлик олимлар томонидан олиб борилган замонавий тадқиқотларда сепсисда талоқ ва лимфа тугунларида бўладиган ўзгаришларни ўрганишга бағишланган илмий ишларда асосан лимфопения ривожланишини кўрсатиб ўтган (В.А.Савельев, 2013). Тўқима суюқлиги транспортида қон ва лимфа системасининг ўзаро боғлиқлиги, сув танқислигида томир структурасидаги ўзгаришларни кўриб чиқилган (Ю.И. Бородин ва ҳаммуал., 2011). Лабораторияда тасдиқланган онанинг инфекциялари эрта неонатал сепсис хавфини 6,6 марта, лаборатор тасдиқланган қиннинг колонизацияси – 9,4 марта, инфекция хавф омиллари бўлган оналардан туғилган болаларда EONS учраши – 2,3 баравар оширади (Chan G.J. et. al., 2013).

Мамлакатимизда буйрак трансплантациясида лимфа тугунлари ва талоқнинг морфологик ўзгаришлари бўйича қатор ишлар бажарилган (М.С.Абдуллаходжаева, 2015; Р.Исраилов, Х.З.Турсунов, Б.А.Магруппов, 2016). Бир ёшгача бўлган чақалоқлардаги зотилжам касаллигида лимфа тугунларидаги ўзгаришлар бўйича илмий изланишлар олиб борилган (Р. Исраилов, В.А.Алимов, И.Б. Рузиев, 2018). Неонатал даврда вирусли гепатитнинг В-туридан вафот этган чақалоқлар иммун тизимининг

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

морфофункционал ҳолати бўйича лимфа тугунларида лимфоид фолликулаларнинг реактив ўзгаришларини патогенези ва морфогенези бўйича лимфа тугунларидаги Т-майдоннинг атрофик ўзгаришлари баҳоланган, бироқ, неонатал сепсиснинг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари бўйича патоморфологик тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, неонатал сепсис ривожланишида касаллик кўзгатувчиларни ўрни ҳамда қон томирларнинг тизимли умумий яллиғланиш реакциялари етарлича ўрганилмаган, даво чораларини белгилашда аниқ кўрсатмалар, эрта ва кечки неонатал даврдаги сепсисда шошилиш ёрдамни такомиллаштириш ва неонатал сепсисни олдини олишга қаратилган усулларни баҳолашга доир қўлланмалар мавжуд эмас, бундан ташқари ўз ечимини кутаётган неонатал сепсисда лимфа тугунлари шошилиш ёрдамни ташкил этиш масалалари ҳам долзарблигича қолмоқда. Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Одам патологик ҳолатининг иммуно-микробиологик, тиббий ижтимоий аспекти ўзига хослигини ўрганиш ҳамда инфекция ва ноинфекцион касалликлар ташхиси ва профилактикасининг янги усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2022 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** неонатал сепсис даврлари бўйича лимфа тугунларнинг асосий морфофункционал майдонларида ривожланадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш ва такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

неонатал сепсисдан нобуд бўлган чақалоқларнинг клиник-лаборатор маълумотларини таҳлил қилиш;

етти кунгача бўлган даврда сепсисдан нобуд бўлган чақалоқлар лимфа тугунларидаги морфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

саккиз кундан йигирма саккиз кунгача бўлган даврда сепсисдан нобуд бўлган чақалоқлар лимфа тугунларидаги морфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика патологик анатомия марказида 2015-2019 йиллардаги жами 124 нафар, жумладан 52 нафар неонатал сепсиснинг эрта (0-7 кунлик) даврида нобуд бўлган чақалоқлар ва 72 нафар кечки давр (8-35 кунлар)да нобуд бўлган чақалоқларнинг висцерал лимфа тугунларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** неонатал сепсиснинг эрта ва кечки даврларида нобуд бўлган чақалоқларнинг лимфа тугунларидаги кортикал ва паракортикал фаол майдонларининг функционал хусусиятлари соҳаларидаги

морфологик ва морфометрик ўзгаришларини таҳлил қилиш натижасида олинган маълумотларини баҳолаш материаллари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда неонатал сепсисда лимфа тугунларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолашда морфологик, морфометрик, иммуногисто-кимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

янги туғилган чақалоқлар лимфа тугунларининг тўлиқ такомил топмаганлиги, асосий морфофункционал майдонларининг шаклланмаганлиги билан намоён бўлиши исботланган;

эрта неонатал сепсис таъсирида лимфа тугунларнинг паракортикал ва экстрафолликуляр соҳаларида В-лимфоцитларнинг пролиферацияси, бошқа соҳаларида паренхимасининг атрофияси асосланган;

кечки неонатал сепсисда лимфа тугунларда бирламчи ва иккиламчи иммун жавобга хос морфологик ўзгаришлар ривожланганлиги, фолликуляр, паракортикал гиперплазия, синуслар гистиоцитози ва строма хужайраларининг пролиферацияланиши билан юзага чиққанлиги билан исботланган;

неонатал сепсисда лимфа тугунлар морфофункционал майдоналардан пўстлоқ қават, субкапсуляр ва мағиз қават синуслари майдони кенгайганлиги ҳамда паракортикал соҳа қисқарганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

лимфа тугунлар морфофункционал соҳалар фаоллигини кўрсатувчи коэффицентлардан сезиларли ўзгариш, яъни паракортикал соҳа фаоллик коэффиценти ҳам бронхопулмонал, ҳам ичак тутқичи лимфа тугунларида камайганлиги исботланган;

неонатал сепсис таъсирида чақалоқлар лимфа тугунларининг барча морфофункционал майдонларидаги морфологик ўзгаришларини баҳолаш ҳақидаги маълумотлар янада такомиллаштирилган;

сепсиснинг шаклларида септицемия ва оғир сепсис кўп учраши, ўлимнинг бевосита сабаблари сифатида ўпка шиши, ривожланиб борувчи кучли интоксикация, жигар-буйрак етишмовчилиги, септик шок ва респиратор дистресс синдромнинг кузатилиши, касалликнинг патогенетик даволаш режалаштиришда неонатолог ва педиатрларнинг касалликни ташхислашда фойдаланишга шароит яратилган;

неонатал сепсиснинг эрта ва кечки шаклларида лимфа тугунлардаги аниқланган патоморфологик ўзгаришларни, сепсис жараёнида организмнинг иммун тизими морфофункционал ҳолатини ретроспектив ва проспектив баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва статистик текширув усуллари асосида неонатал сепсисда лимфа тугунларнинг



морфологик ва морфометрик ўзгаришини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлиги асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лимфа тугунининг меъёрий морфологик ҳолатидаги тузилишининг ўзига хос хусусиятларини, чақалоқлар неонатал сепсисига хос морфологик ўзгаришлар артериолалар, капиллярлар ва посткапилляр венулаларда, унга қўшимча ретикуляр стромаси ва лимфоцитларда ривожланадиган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар асосида неонатолог ва педиатрлар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти аутопсия материалларидан фойдаланиб, чақалоқларда сепсис касаллиги таъсирида висцерал лимфа тугунларидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида сепсис жараёнида организмнинг иммун тизими морфофункционал ҳолатини ретроспектив ва проспектив баҳолаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқарилган:

неонатал сепсисда лимфа тугунларидаги патологик ўзгаришларни баҳолаш натижалари асосида «Неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/357-сон маълумотномаси). Натижада неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини ташхислаш, касалликни олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика патологик анатомия маркази ва Хоразм вилояти патологик анатомия экспертиза бюроси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 февралдаги 8н-з/118-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга қўлланилиши асосида неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари касалликни клиник морфологик ташхислаш ва касалликдан ўлим кўрсаткичини камайтириш имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та

мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини ташхислашнинг замонавий талақни»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Неонатал сепсиснинг этиологияси ва патогенези ривожланиш механизми, неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологияси ҳақида илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган.

Диссертациянинг **«Неонатал сепсисда лимфа тугунларнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда текширишнинг материал ва усуллари баён этилган бўлиб, эрта ва кечги неонатал даврда нобуд бўлган ва сепсис ташхиси клиник – морфологик маълумотлар асосида тасдиқланган чақалоқлар лимфа тугунларини тадқиқотимизга ажратиб олдик. Топилган ўзгаришларни солиштириш ва ишончилигини тасдиқлаш учун назорат гуруҳи сифатида неонатал даврда бош мия жарохатидан нобуд бўлган чақалоқлар лимфа тугуни олинди. Текшириш учун материал 2015-2019 йилларда РПАМ болалар патологияси бўлими амалиётида аутопсиядан ўтказилган чақалоқларнинг клиник-морфологик маълумотлари олинди.

Диссертациянинг материали сифатида РПАМ болалар патологияси бўлимида 2015-2019 йиллар давомида аутопсия текширувидан ўтган, неонатал даврда ўлган ва сепсис диагнози клиник-морфологик маълумотлар асосида тасдиқланган 124 та ҳолат олинди. Тадқиқотни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: неонатал сепсисдан ўлган чақалоқларнинг клиник-лаборатор маълумотларини таҳлил қилиш; лимфа тугунлар тўқимасида гематоксин-эозин бўёғидан фойдаланиб гистологик текширув ўтказиш; лимфа тугунларидаги В ва Т лимфоцитларни иммуногистохимёвий усулда текшириб ўрганиш ва лимфа тугунларнинг

барча морфофункционал майдонларининг нисбий ўлчамларини гистометрия усулида ҳисоблаш.

Ҳар бир ҳолатда амбулатор ҳаритаси, касаллик тарихи ва аутопсия баённомаси ҳар томонлама ўрганилди. Касаллик тарихидан паспортга таалукли маълумотлар, яъни яшаш жойи, отасининг ва онасининг исми шарифи, ёши, касби, боланинг нечанчи ҳомиладорликдан туғилгани, туғилган вақтидаги барча маълумотлар кўчириб олинди. Амбулатор ҳаритасидан касалхонага тушишдан олдин қандай касалликлар билан оғриганлиги, даво олганлиги каби маълумотлар олинди.

Сепсисни аниқлашда албатта айрим клиник белгилар катта аҳамият касб қилади. Шунинг учун чақалоқлар аутопсиясидан кейин патологоанатомик ташхис қўйишда қуйидаги клиник белгиларга аҳамият бериш шарт ҳисобланади. Бизнинг материалимизда ҳам бу белгиларни таҳлил қилиб кейин диагноз қўйилган. Агар қуйидаги белгилардан 2 ва ундан ортик аниқланса сепсис диагнози қўйилади, улар қуйидагилар: тана ҳароратининг  $38^{\circ}\text{C}$  дан юқори ёки  $36^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлиши; юрак қисқаришлар сони минутига 140 дан кўп бўлиши; нафас олишнинг минутига 40-45 дан кўп бўлиши; қонда лейкоцитлар сонининг  $12 \times 10^9$  /мл дан кўп ёки  $4 \times 10^9$  /мл дан кам бўлиши; лейкоцитлар сони меёрда бўлса, етилмаганларининг 10 % дан юқори бўлиши;

Лимфа тугунлар тўқимасини гематоксилин-эозин усулидан фойдаланиб гистологик усулда ўрганиш.

10 %ли нейтралланган формалинда 72 соат давомида қотирилган лимфа тугунлар бўлақлари оқар сувда 3-4 соат ювилади, кейин 70, 80, 90, 96, 100 %ли спиртларда ва хлороформда сувсизлантирилди ва мум қўшилган парафин қуйилиб, блоклар тайёрланди. Парафинли блокчалардан ротацион микротомларда қалинлиги 3-5мкм бўлган кесмалар тайёрланди. Кесмалардаги парафин  $57^{\circ}\text{C}$  термостатда кисилол ёрдамида эритилиб олиб ташланди, кейин лимфа тугунлар тўқимасининг умумий гистологик ҳолатини ўрганиш учун гематоксилин – эозин эритмаларида бўялди. Лимфа тугунлар тўқимасини иммуногистокимёвий усулда ўрганиш 10 %ли нейтралланган формалинда 72 соат давомида қотирилган лимфа тугунлар бўлақлари оқар сувда 3-4 соат ювилади, кейин 70, 80, 90, 96, 100 %ли спиртларда ва хлороформда сувсизлантирилди ва мум қўшилган парафин қуйилиб, блоклар тайёрланди. Парафинли блокчалардан ротацион микротомларда қалинлиги 3-5мкм бўлган кесмалар тайёрланди. Кесмалардаги парафин  $57^{\circ}\text{C}$  термостатда кисилол ёрдамида эритилиб олиб ташланди, кейин лимфа тугунлар тўқимасининг умумий гистологик ҳолатини ўрганиш учун иммуногистокимёвий маркерлардан фойдаландик. Айнан ушбу ишимизда CD+3, CD+20 маркерларидан фойдаландик. CD+3 маркеридан лимфа тугунларида мавжуд бўлган Т-лимфоцитлар мембранасидаги мультипротеинли комплексни корецептори бўлиб, шу рецепторга боғланиб Т-лимфоцитларни аниқлаб беради. Морфологик жиҳатдан тилла – сариқ оч жигар рангга бўялади. Бу асосан паракортикал соҳадаги Т-лимфоцитларни сон жиҳатдан аниқлашда фойдаланилади. CD+20 В-лимфоцитлар

мембранасидаги оксилнинг корецептори бўлиб, В-лимфоцитни ўша рецептори билан боғлаб, тилла сариқ жигар рангни ҳосил қилади. Демак, тайёрланган блокларни махсус адгезивланган препарат ойначасига, микротом орқали кесилган биоптатни ёпиштирилади. Кейин гематоксилин бўёғида 2дақиқа ушлаб турилади. Махсус автоматлаштирилган (ДАКО) ускунасида CD+3, CD+20 лар махсус QR-кодлаштирилган стикерлар билан жиҳозланган препарат ойнаси юзасига томизилади. 20 дақиқадан кейин дисстиланган сув билан ювилади. Бўялган препарат ойналари юзалари қопловчи шиша ойна билан ёпилади. Натижанинг ишончилигини текшириш учун препарат ойначаси микроскопда кўрилганда юқоридаги маркерлар билан қўйилган реакцияларда биоптатларда тилла сариқ жигар рангли хужайраларни кўрамиз. Демак, иш усулимиз тўғри қилинган бўлади. Юқоридаги маркерлар лимфоцитлар мембранасидаги махсус оксил билан реакцияга киришганда ранг кўрсаткичининг ўзгаришига экспрессияланиш даражаси ижобий “+” чиқди деб қаралади. Бу ҳолатга, маркерларни номи билан экспрессияланади деб хулоса қилинади. Неонатал даврда беморларда аниқланган мутлоқ лимфопения ҳомиладорлик ва туғуруқдан кейинги болалар ёшидан, қонни текшириш натижаларидан ва аниқланган кўзғатувчининг хусусиятларидан катъий назар, юқумли касалликнинг оғирлигини кўрсатади.

Лимфопенияларнинг салбий аҳамияти лимфоцитларнинг барча муҳим, функционал субпопуляция-ларининг миқдорий етишмовчилиги билан изоҳланади: етук Т-лимфоцитлар (CD3 +), цитотоксик лимфоцитлар (CD8 +), табиий киллер хужайралар (CD16 + CD56 +), Т-ёрдамчи лимфоцитлар (CD4 +) лимфоцитлар учун ўсиш омили сифатида интерлейкин-2 ни ҳосил қилади. Лимфа тугунлар морфофункционал майдонларининг нисбий кенглик ўлчамларини аниқлаш учун гистометрия усулидан фойдаланиш.

Лимфа тугунининг структураларини морфометрик текширув Г.Г. Автандиловнинг (1990) нуқталарни санаш усулида амалга оширилди.

Бу усул муаллиф томонидан, аслида аъзо ва тўқималарнинг гистологик препаратларидан туширилган расмларига 160 та катаклардан иборат сеткани қўйиш орқали ва ундаги нуқталар тўқиманинг қайси бир тузилмаларига тўғри келиши саналади. Қўлга киритилган маълумотлар ишончли бўлиши учун, материалнинг ҳар бир гуруҳидан гистологик препаратларнинг 8-10та объектларидан олинган расмларда нуқталар саналади ва ўртачаси олинади.

Биз бу усулни компьютер экранига кўчириб модификацияладик, яъни текшириладиган материалнинг ҳар бир гуруҳи бўйича тайёрланган гистологик препаратларнинг ҳар хил соҳаларидан, олдиндан 10та дан расмга туширдик ва компьютер маниторида бу расмларга мос равишда 160та катакдан иборат чизиқли тўрни қўйиб, ундаги чизиқлар кесишган нуқталарни, тўқиманинг қайси бир структур тузилмасига тўғри келишига қараб санаб чиқдик. Тўқима кесмасига қўйилган катакли тўрнинг нуқталари бир хил масофада бўлганлигидан, тўқима тузилмаларига танламасдан тўғри келиши бу усулнинг туб моҳиятидан маълумдир. Г.Г. Автандиловнинг катакли тўри нуқталари тўқима расми юзасининг барча соҳалари структур бирликларга бир хилда танланмаган ҳолда тарқалганлиги нисбийлик

қонунига мос келади. Расмдаги мавжуд барча структур бирликлар майдони  $V_v$ , яъни 100 % деб олинади, ҳисоблаш керак бўлган структур бирликларнинг ҳар бирининг майдони, шу тузилманинг номи қўйиб белгиланади, масалан:  $V_{сс}$  (субкапсуляр синус),  $V_{пқ}$  (пўстлоқ қават),  $V_{мқ}$  (мағиз қават),  $V_{пс}$  (паракортикал соҳа),  $V_t$  (трабекулалар). Шу йўсинда нуқталарни санаш оқибатида ўрганилаётган структур бирликларнинг тўқимадаги нисбий майдони ҳисоблаб чиқарилади. Натижалар эса, ҳар бир структур бирликнинг ўрганилаётган тўқимадаги ҳажм бирлигини кўрсатади.

Демак, ўрганилаётган тўқимада барча структур бирликларнинг эгаллаган майдони  $V_v$ , яъни 100% бўлса, ундаги бир текисда тақсимланган нуқталар  $z$  билан белгилади, ҳар бир нуқтанинг структур бирликга тўғри келиш нисбийлиги  $P$  деб олинса, унинг формуласи қуйидаги кўринишда бўлади:  $P = V_v/100$ .

Нуқталарнинг бошқа структур бирликларга тўғри келиши, қуйидаги формулада аниқланади:  $Q = 100 - V_v/100$ .

Ўрганилаётган структур бирликларга тўғри келадиган нуқталарни  $x$  деб олсак, унинг хатолик даражаси ушбу формула билан ҳисобланса:  $x/z - P$ , абсолют хатоликнинг %лардаги кўрсаткичи ушбу формулада ҳисобланади:  $\varepsilon = (x/z - P) \cdot 100 = 100 x/z - V_v$

Нисбийлик назарияси бўйича ҳисоблашнинг хатолик даражаси -  $x/z - P$ , бошқача формулада қуйидагича ҳисобланади:  $= t \cdot \sqrt{Pq/z}$ .

Бу формулада:  $x$  – ўрганилаётган структур бирликларга тўғри келган нуқталар сони;  $z$  – тест тизимдаги барча нуқталарнинг умумий сони;  $P$  – ўрганилаётган тузилмаларга тушадиган нуқталарнинг нисбийлик бирлиги;  $q$  – қолган структур бирликларга тушадиган нуқталарнинг нисбийлик бирлиги;  $t$  – кўрсаткичларнинг бир-биридан меёрлаштирилган фарқи.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миқдорий кўрсаткичларнинг абсолют хатолиги ушбу формулада ҳисобланади:  $\varepsilon = t \sqrt{V_v (100 - V_v) / z}$ .

Г.Г. Автандилов(1990)нинг морфометрик усули бўлган “нуқталарни санаш – тест тизими” дан фойдаланиб эрта ва кечги неонатал сепсисдан ўлган чақалоқларда бронхопулмонал ва ичак тутқичи лимфа тугунлари барча морфофункционал майдонларининг нисбий кўрсаткичлари ҳисобланди.

Бу гуруҳлар лимфа тугунлардан тайёрланган гематоксилин ва эозин бўёқғи билан бўялган гистологик кесмалардан туширилган расмларда қуйида кўрсатилган структур бирликларга тўғри келган нуқталар саналди.

Ҳар бир гуруҳдан ўртача 8 тадан расмда нуқталар саналди: лимфа тугун субкапсуляр синусига тушган нуқталар –  $R_{сс}$ ; пўстлоқ қавати –  $R_{пқ}$ ; мағиз қавати –  $R_{мқ}$ ; паракортикал соҳа –  $R_{пс}$ ; трабекулалар –  $R_t$ ; (1-жадвалга қаранг).

Ҳар бир структур бирлик бўйича 8та дан расмда саналган нуқталари қўшилиб, ўртачаси ҳисобланди ва ундан қуйидаги формула асосида структур бирликнинг эгаллаган майдони ( $V$ ) ҳисоблаб чиқарилди, масалан: лимфа тугун пўстлоқ қавати эгаллаган майдон-  $V_{пқ} = R_{пқ}/P$  х. Шу йўсинда талокнинг барча структур бирликларининг эгаллаган майдонлари ҳисобланди:  $V_{сс}$ ,  $V_{пқ}$ ,  $V_{мқ}$ ,  $V_{пс}$ ,  $V_t$ .

1-жадвал

Назорат гуруҳи болалар бронхопулмонал лимфа тугунлар структур бирликларининг морфометрик кўрсаткичлари, %

Май дон сони	Рчс Четки синус	Рпқ Пўстлоқ қават	Рпм Парако ртик майдон	Рмқ Мағиз қават	Рт Трабекула майдони	Жами нукталар
1	10	46	28	59	17	160
2	11	45	29	60	17	
3	9	43	30	61	16	
4	11	42	29	60	18	
5	10	45	27	58	18	
6	9	46	30	58	16	
7	11	44	30	57	17	
8	9	46	29	58	18	
Σ	82	368	227	468	135	1280
	6,4±0,7	28,8±2,18	17,7±1,67	36,6±1,73	10,5±1,73	100 фоиз

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Чақолоқлар сепсис ҳолатларни клиник-лабратор натижалари таҳлили**» деб номланган учинчи боби сепсисга олиб келувчи хавфли омиллар ўрганилганда қуйидагича ҳолат аниқланди. Хавфли омиллардан энг аҳамиятлиси чақолоқларнинг чала туғилиши ва вазнининг камлиги бўлиб чиқди. Бундан болалар ички аъзоларининг чала ривожланишидан, ҳимоя реакцияларининг ва иммун тизимининг сустлигидан инфекцияга, жумладан сепсисга тез чалиниши кузатилди. Жами 124 та ҳолатдан, аксарияти эрта сепсис гуруҳидан 32та чақолоқларда, 25,8 %да чала туғилиш ва вазнининг камлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг)

2-жадвал


Сепсисда инфекциянинг кириш йўллари кўрсаткичлари

№	Инфекциянинг кириш йўллари	сон	%и
1	сепсиснинг кириш йўли номаълум	58	26,7 %
2	меъда –ичак йўли	38	30,6 %
3	Ўпка	20	36,5 %
4	шикастланган тери ва киндик	8	6,2 %
	Жами	124	100 %


Иккинчи аҳамияти юқори бўлган хавфли омил сифатида туғруқ жараёнида амнион пардасининг эрта ёрилиши ва амнион суюқлигининг эрта оқиб кетиши сифатида аниқланди. Бу ҳолатда инфекция туғруқ йўлларига ўтиб, ундан туғилаётган болага юқиш хавфи юқорилигидан сепсис ривожланганлиги кузатилди. Бу хавфли омил 23 та чақолоқларда аниқланди, бу 18,5 % ни ташкил қилади. Кейинги хавфли амнион суюқлигининг меконийлиги, ҳидли ва хира ҳолатдалиги омил сифатида эътиборга олинди ва

ҳолат 19 та чақалоқда аниқланди, бу 15,3 % ни ташкил қилади. Албатта онанинг сийдик-таносил йўлларида инфекцияси, чақалоқга инфекция юқишининг асосий сабабларидан ҳисобланади. Бу ҳолат бизнинг материалимизда 21та онада аниқланди, бу эса 17,0 % ни ташкил қилди. Кейинги хавфли омил сифатида туғруқхонада инвазив ва реанимация муолажаларининг ўтказилиши, бу омил 20 тада аниқланди, 16,1 % ташкил қилди. Эгиз туғилиш ҳам айрим ҳолатларда хавфли омил сифатида тасдиқланди ва бу ҳолат 9 тасида аниқланди, 7,3 % ташкил қилди.

**Неонатал даврда бош мия жароҳатидан нобуд бўлган чақалоқлар лимфа тугунларидаги морфологик ўзгаришлар.** Микроскопик текширув натижалари шуни кўрсатдики, ҳар хил сабабларга кўра ўлган янги туғилган чақалоқларда лимфа тугунларининг ҳар бири ташқи томондан бириктирувчи тўқимали парда билан ўралган. Парда таркиби ёш фибробластлар, гистиобластлар, нозик тутамлар пайдо қилмаган аргирофил толалардан ва ишқорий мукополисахаридлардан ташкил топган. Бу пардадан лимфа тугун ичига қараб трабекулалар кириб тарқалиб боради ва лимфа тугун ичида улар бир-бири билан анастомозланади ва ретикуляр тўқимали строма билан, ҳам пўстлоқ, ҳам мағиз қаватида туташиб кетади. Айрим чақалоқларда лимфа тугунлари батомом такомил топмаганлиги аниқланади. Бундай лимфа тугунларда пўстлоқ қават ташкил топмаган. Четки ва мағиз қаватидаги синуслар кенг жойни эгаллаган. Фақат уларнинг четиди паракортикал майдон фарқ қилинади, унда ҳам лимфоцитлар жуда кам. (1-расмга қаранг).



1-расм. 3 кунлик чақалоқ Н. Чала ривожланган лимфа тугун (1), унда пўстлоқ қават йўқ (2), синуслар кенг (3), ҳужайралари кам. Бўёк: Г-Э. X: 10x10.



2-расм. 7 кунлик чақалоқ С. Лимфа тугун чала ривожланган, унинг айрим жойларида пўстлоқ қават (1) ташкил топган ва лимфоцитлар тўпламидан (2) иборат. Бўёк: Г-Э. X: 10x10.


**Эрта неонатал сепсисдан нобуд бўлган чақалоқлардаги патоморфологик ўзгаришлар.** Лимфа тугунларни морфологик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатадики, эрта неонатал сепсисдан нобуд бўлган чақалоқларда қуйидаги патоморфологик ўзгаришлар аниқланди: лимфа тугунлар гипоплазияси – 7,5 %, фолликуляр гиперплазия – 36,4 %, паракортикал гиперплазия – 22,6 %, синуслар гистиоцитози – 12,8 %, стромал ҳужайралар пролиферацияси – 8,2 %, ва аралаш типдаги гиперплазия – 12,5 % (2-расмга қаранг).

Диссертациянинг «**Назорат гуруҳи чақолақлар лимфа тугунларнинг гистологик ва морфометрик кўрсаткичлари таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида назорат гуруҳи чақалоқлар неонатал даврда лимфа тугуни морфофункционал майдонларининг морфометрик кўрсаткичлари тақдим этилган. Лимфа тугуннинг асосий морфофункционал майдонлари куйидагилардан иборат: ташқи бириктирувчи тўқимали пардаси, парда остидаги четки синуси, лимфоид фолликулалардан иборат пўстлоқ қавати, лимфоид фолликулалар марказидаги герминатив майдон, мағиз қавати, мағиз қаватининг синуслар бўшлиғи ва улар орасидаги юмшоқ тутамлар. Биз айнан шу кўрсатилган морфофункционал майдонларнинг эгаллаган майдонини %ларда ҳисоблаб чиқдик. Бу текширув натижалари лимфа тугунни сифатий жиҳатдан ўрганишда шу майдонларни эгаллаган структур бирликларнинг ўзига хослигини, қай даража кенгайиб-кичиклашишини, эгаллаган майдонларнинг бир-биридан фарқ қилишини тушиниш осон бўлади. Маълумки, бирининг майдони кенгайса иккинчисининг майдони кичиклашади ва унга сабаб бўлган морфологик ўзгаришлар моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Тадқиқотимизда бронхлар атрофидаги ва ичак туткичидаги лимфа тугунларнинг структур бирликларининг нисбий майдонини ўлчаб, %лардаги кўрсаткичларини ҳисобладик. Натижаларни кўрсатадиган бўлсак, бронхлар атрофидаги лимфа тугуннинг ташқи бириктирувчи пардаси назорат гуруҳида лимфа тугуннинг умумий майдонининг бор-йўғи ўртача 2,27 % ташкил қилади. Унинг остидаги четки синус лимфа тугун паренхимасини тўлиқ ўраб олган ва унинг эгаллаган майдони ўртача 6,4 %, яъни ташқи пардага нисбатан 3 баробар кенг жойни эгаллаган. Лимфа тугуннинг энг муҳим ва сифатий жиҳатдан ҳам, миқдорий жиҳатдан ҳам тез ўзгарувчан морфофункционал майдони бу пўстлоқ қавати, яъни лимфоид фолликулалари ҳисобланади. Унинг миқдорий жиҳатдан ўзгариши лимфоид фолликулаларнинг ё гиперплазияланишини, ёки атрофияланишини кўрсатади. Бу майдон назорат гуруҳида ўртача  $28,8 \pm 0,54$  %ни ташкил қилди. Унинг таркибига кирувчи герминатив майдон ўз навбатида ўртача  $8,8 \pm 0,77$  %ни ташкил қилди (жадвал). Бу майдон ҳам тез ўзгарувчан бўлиб, лимфоид фолликулалар фаоллашганда албатта гиперплазияланиб, майдони кенгайди.


Диссертациянинг «**Эрта неонатал сепсисдан нобуд бўлган чақолоқлар лимфа тугунларининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида лимфа тугунларда иммуногистокимёвий текширишлар ўтказишнинг ўзига хослиги, чақалоқларда неонатал сепсис касаллиги ривожланишида лимфа тугунлардаги морфофункционал ўзгаришлар авваламбор лимфа тугуннинг етилганлик даражасига, барча морфофункционал майдонларининг ўзига хос лимфоцитлар билан тўлишига ва ретикуляр хужайралари ва макрофагларининг фаоллик даражасига боғлиқ. Маълумки, организмга инфекция тушгандан кейин дастлаб макрофаглар томонидан антиген ҳақидаги хабар Т-хелперга, кейин Т-цитотоксик лимфоцитга ва В-лимфоцитларга узутилади ва иммун жавоб бошланади.



Неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ўзгаришларини иммуногистокимёвий усулда ўрганиш. Лимфа тугунларда иммуногистокимёвий текширишлар ўтказишнинг ўзига хослиги, чақалоқларда неонатал сепсис касаллиги ривожланишида лимфа тугунлардаги морфофункционал ўзгаришлар авваламбор лимфа тугуннинг етилганлик даражасига, барча морфофункционал майдонларининг ўзига хос лимфоцитлар билан тўлишига ва ретикуляр хужайралари ва макрофагларининг фаоллик даражасига боғлиқ. Маълумки, организмга инфекция тушгандан кейин дастлаб макрофаглар томонидан антиген ҳақидаги хабар Т-хелперга, кейин Т-цитотоксик лимфоцитга ва В-лимфоцитларга узатилади ва иммун жавоб бошланади (3-расмга қаранг). CD20 маркернинг экспрессияланишидан унга таалукли бўлган лимфоцитлар ўлчамларининг ҳар хиллиги, уларнинг таркибида В лимфоцитлар, лимфоцитар иммунобластлар ва плазматик хужайралар борлигини кўрсатади. Неонатал сепсис бошлангандан 7-8 кун ўтиб ўлган чақалоқлар лимфа тугунлари иммуногистокимёвий усулда ўрганилганда лимфоид фолликулаларда CD20 маркерли лимфоцитларнинг жуда кучли ва зич ҳолдаги экспрессияси аниқланди (5-расмга қаранг).




**3-расм. Эрта неонатал даврдаги сепсисдан ўлган 4 кунлик чақалоқ лимфа тугуни. Четки синуснинг ҳар хил даражада кенглиги, пўстлоқ қаватда лимфоид фолликулаларнинг йўқлиги. Бўёқ: Г-Э. X: 10x10.**




**4-расм. Неонатал сепсиснинг 7-8 кунда чақалоқлар лимфа тугунлари лимфоид фолликулаларда CD20 маркерли лимфоцитларнинг жуда кучли ва зич ҳолдаги экспрессияси. Бўёқ: ДАБ-хромоген. Иммуногистохимия. X: 10x40.**

Бизнинг тадқиқотларимизда чақалоқлар неонатал даврининг 0-7-кунларда ўлганлар лимфа тугунларида пўстлоқ қавати фақат бирламчи лимфоид фолликулалардан иборатлиги аниқланди. Бу даврда лимфа тугуннинг ўзига хослиги паракортикал майдон аниқланмайди. Янги туғилган чақалоқларда Т-лимфоцитар хужайравий иммунитет тўлиқ такомил топмаганлиги, шунинг учун периферик лимфоид аъзоларда Т-майдонлар ташкил топмаганлиги ва инфекцияон жараён бўлган неонатал сепсисда унинг иштирок этмаганлиги тасдиқланади. Лимфа тугун гистологик кесмаларини иммуногистокимёвий усулда ишлов берилганда CD3 маркерлари батомом экспрессияланмаганлиги, лимфа тугуннинг мағиз қавати синусоидлари бўшлиғида ва юмшоқ тутамларида суест ва майда донатор кўринишда CD4 маркернинг экспрессияси аниқланади.

Демак, бу соҳаларда Т-лимфоцитар иммунитетда қатнашадиган ўзида CD4 антигени бўлган моноцит ва макрофаглар лимфа тугуннинг мағиз қавати синуслари бўшлиғи ва юмшоқ тутамлар таркибида жойлашганлиги маълум бўлди (5,6-расмларга қаранг).



**5-расм. CD3 маркерлари батомом экспрессияланмаганлиги, Бўёк: ДАБ-хромоген иммуногистохимия. X: 10x10.**




**6-расм. Паракортикал соҳада CD3 жуда кам миқдорда, нисбатан кичик лимфоцитларда донатор кўринишдаги жигар рангли маркерлар сифатида экспрессияланганлиги аниқланади. Бўёк: ДАБ-хромоген иммуногистохимия. X: 10x40.**

Диссертациянинг «Кечки неонатал сепсисда нобуд бўлган чақалоқлар лимфа тугунларини морфологик ўзгаришларни баҳолаш» деб номланган олтинчи бобида кечги неонатал даврдаги сепсисдан нобуд бўлган чақалоқлар лимфа тугунларини морфологик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатадики, эрта неонатал сепсисдагидан фарқли ўлароқ қуйидаги патоморфологик ўзгаришлар аниқланди: лимфа тугунлар гипоплазияси – 2,7 %, фолликуляр гиперплазия – 41,5 %, паракортикал гиперплазия – 24,6 %, синуслар гистиоцитози – 18,7 %, стромал хужайралар пролиферацияси -6,2 %, ва аралаш типдаги гиперплазия – 4,5 %, лимфа тугунни ёғ босиш 4,2 %.


Кечки неонатал даврдаги сепсис оқибатида лимфа тугунлардаги патоморфологик ўзгаришлардан энг кўп учрайдигани, яъни фолликуляр гиперплазия болалар постнатал даврига, инфекциянинг ривожланиш механизмига ва лимфа тугунларнинг морфофункционал ҳолатига боғлиқ ҳолда иккиламчи иммун жавобнинг морфологик кўриниши сифатида намоён бўлади. Бунда, лимфофолликуляр гиперплазия жараёни лимфа тугуннинг морфофункционал ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда кучли ёки суст даражада ривожланиши кузатилди. (9,10- расмларга қаранг).

Ушбу боб охирида, юқорида кўрсатилган кечги неонатал даврдаги сепсисдан ўлган болалар лимфа тугунлардаги патоморфологик маълумотларни умумий ҳолда ва бир-бири билан солиштириб таҳлил қилсак қуйидаги хулоса намоён бўлади. Лимфа тугунлардаги ўзгаришлар авваламбор чақалоқларнинг чала ёки етилиб туғилганлигига, лимфа

тугунларнинг такомил топиш даражасига ва сепсис жараёнининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ ҳолда юзага чиққанлиги аниқланди.



**9-расм. Кечги неонатал даврдаги сепсисдан ўлган 15 кунлик чақалок лимфа тугуни. Пўстлоқ қават лимфоид фолликулаларининг кучли гиперплазияси, герминатив марказлар пайдо бўлиши. Бўёк: Г-Э. X: 10x10.**



**10-расм. Кечги неонатал даврдаги сепсисдан ўлган 17 кунлик чақалок лимфа тугуни. Септик шок асорати натижасида лимфо тугунларда некроз ўчоқларининг пайдо бўлиши. Бўёк: Г-Э. X: 10x10.**

Кам сонли бўлсада кечги неонатал сепсисдан ўлган болалар лимфа тугунида бирламчи, яъни туғма гипоплазия ҳолати мавжудлиги кузатилди.

Кечки неонатал даврдаги сепсисда чақалоқлар гестация даврига қараб, ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи иммун жавобга хос морфологик ўзгаришлар ривожланганлиги кузатилди, улардан фолликуляр гиперплазия (41,5%) кўп учради, кейинги навбатда паракортикал гиперплазия – 24,6%, синуслар гистиоцитози – 18,7%, стромал хужайралар пролиферацияси -6,2%, ва аралаш типдаги гиперплазия – 4,5%, лимфа тугунни ёғ босиш 4,2%да аниқланди.

## ХУЛОСАЛАР

«Неонатал сепсисда лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари» мавзуси бўйича тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертация мавзусига асосан ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Назорат гуруҳидаги чақалоқлар лимфа тугунлари умумий ҳолда тўлиқ такомил топмаганлиги, жами майдонининг 10,5 % ташқи пардаси ва трабекулалар шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан иборат, 6,4% субкапсуляр синуси ҳар хил кенгликда, 28,8% пўстлоқ қавати бирламчи лимфоид фолликулалардан иборат, 17,7% паракортикал соҳада стромаси ва посткапилляр венулалар устун туради, 36,6% мағиз қавати синуслари кенг, орасидаги юмшоқ тутамлари юпқалиги аниқланди.

2. Жами 124та ҳолатдан 41,9% эрта, 59,1% кечки неонатал сепсис аниқланиб, инфекциянинг кириш йўли: 26,8% номаълум, 30,6% меъда ичак, 36,5% - ўпка, 6,2% - шикастланган тери ва киндик бўлиб чиқди; сепсиснинг

шакллари бўйича: 5,7 % - тизимли яллиғланиш синдроми, 71,0 % - сепсис, 13,0 % - оғир сепсис, 6,5 % - септик шок аниқланди; ўлим сабаблари: 23,1 % - ўпка шиши, 26,9 % - юксалувчи интоксикация, 19,3 % - жигар-буйрак етишмаслиги, 7,6 % - юрак етишмаслиги, 11,5 % - септик шок, 11,5 % - респиратор дистресс синдроми ташкил қилганлиги тасдиқланди.

3. Эрта неонатал даврдаги сепсисда умумий ҳолда лимфа тугунлар паракортикал майдонидаги ва экстрафолликуляр жойлашган лимфоцитлар (В-лимфоцитлар) пролиферацияланиб, иммунобластлар ва плазматик хужайраларга айланиши қайд қилинди ва патоморфологик ўзгаришлар: 7,5 %да туғма гипоплазия, 36,4 % - фолликуляр гиперплазия, 22,6 % - паракортикал гиперплазия, 12,8 %, –синуслар гистиоцитози, 8,2 %, – стромал хужайралар пролиферацияси ва 12,5 % - аралаш типдаги гиперплазия кўринишида намоён бўлганлиги кузатилди.

4. Кечги неонатал даврдаги сепсисда чақалоқлар гестация даврига қараб, ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи иммун жавобга хос морфологик ўзгаришлар ривожланганлиги кузатилди, улардан фолликуляр гиперплазия (41,5 %) кўп учради, кейинги навбатда паракортикал гиперплазия – 24,6 %, синуслар гистиоцитози – 18,7 %, стромал хужайралар пролиферацияси -6,2 %, ва аралаш типдаги гиперплазия – 4,5 %, лимфа тугунини ёғ босиш 4,2 %да аниқланди.

5. Неонатал сепсисда лимфа тугунлар морфофункционал майдонларининг нисбий кенглигида куйидаги ўзгаришлар кузатилди:

а) бронхопулмонал тугунлар мағиз қавати назорат гуруҳига нисбатан 6 %га кенгайиб, 42,7 %ни, пўстлоқ қавати 5 %га кенгайиб, 33,5 %ни, субкапсуляр синус 5,4 %га кенгайиб, 11,8 %ни ташкил қилган бўлса, паракортикал соҳа майдони 10 %га камайиб, 7,4 %ни, ташқи парда ва трабекулалар эгаллаган майдон 6 %га камайиб, 4,6 %ни ташкил қилди;

б) ичак тутқичи тугунлари мағиз қавати назорат гуруҳига нисбатан 7 %га кенгайиб, 41,6 %ни, пўстлоқ қавати 3 %га кенгайиб 34,3 %ни, субкапсуляр синус бўшлиғи 4 %га кенгайиб, 12,5 %ни, паракортикал соҳа 9 %га камайиб, 6,3 %ни, ташқи парда ва трабекулалар 4 %га камайиб 5,3 %ни ташкил қилганлиги аниқланди;

в) бу жараёнда лимфа тугунлар морфофункционал соҳаларининг фаоллигини кўрсатувчи коэффицентларда, пўстлоқ қават ва мағиз қават фаоллик коэффицентлари назорат гуруҳи кўрсатгичи билан деярлик бир хил бўлиб чиқди, сезиларли даражадаги ўзгариш паракортикал соҳа фаоллик коэффицентиди кузатилди: меёрда 0,27 бўлса, неонатал сепсисда бронхопулмонал лимфа тугунда 0,09гача, ичак тутқичи лимфа тугунида 0,08гача камайганлиги аниқланди. Бу кўрсатгичлар неонатал сепсис таъсирида организмда Т-лимфоцитар хужайравий иммун танқислиги ривожланишини тасдиқлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ 04/30.12.2019.Тib.30.03 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**АЛЛАБЕРГАНОВ ДИЛШОД ШАВКАТОВИЧ**

**МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ  
ЛИМФАТИЧЕСКИХ УЗЛОВ ПРИ НЕОНАТАЛЬНОМ СЕПСИСЕ**

**14.00.15 – Патологическая анатомия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/Tib665.**

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tma.uz](http://www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:** **Исраилов Ражаббай**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Нишанов Данияр Анарбоевич**  
доктор медицинских наук

**Жураева Гулбахор Бахшиллаевна**  
кандидат медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:** **Международный казахско-турецкий университет им. Ходжи Ахмета Ясави (Республика Казахстан)**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус, «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Г.И. Шайхова**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней доктор медицинских наук, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

**Р.Дж. Усманов**

Председатель научного семинара при научном совете, доктор медицинских наук

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Распространенность сепсиса в неонатальном периоде в мире определяется отсутствием общей классификации, сложностью его патогенеза, трудностью ранней диагностики, высокой летальностью, дороговизной лечения. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), глобальные эпидемиологические показатели неонатального сепсиса таковы, что у 1,2 миллиона из 3 миллионов новорожденных ежегодно диагностируется сепсис в результате осложнений от различных заболеваний. В результате «... неспецифический ответ организма, а затем врожденный иммунный ответ, в конечном итоге провоцирует узкоспециализированный приобретенный иммунный ответ ...»<sup>1</sup>. В неонатальном периоде, поскольку иммунный ответ организма новорожденных находится на высоком уровне, он может нерегулярно и неорганизованно реагировать на инфекционные факторы. Большинство инфекций быстро распространяется в организме младенцев, что приводит к развитию сепсиса. Хотя на сегодняшний день в лечении этого заболевания достигнуты значительные успехи, неонатальный сепсис остается проблематичным.

В мире не разработаны четкие критерии лечения и профилактики младенцев, умерших от сепсиса в неонатальном периоде. В результате младенческая смертность от неонатального сепсиса еще не снизилась. В нашей стране осуществляется ряд мер по развитию медицинской отрасли, приведению медицинских услуг в соответствие с мировыми стандартами, совершенствованию патологической диагностики различных форм неонатального сепсиса, протекающих в различных условиях. В связи с этим выполнение данных задач позволит улучшить патологическую диагностику различных форм сепсиса у детей раннего возраста в неонатальном периоде, снизить инвалидность и смертность за счет использования современных технологий лечения.

В нашей стране принимаются комплексные меры по развитию медицинской отрасли, по приведению медицинских услуг в соответствие с мировыми стандартами, в том числе по совершенствованию патологической диагностики различных форм неонатального сепсиса в различных условиях. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы гласит, что «... сектор здравоохранения, в первую очередь, важно продолжить реформирование его первичного звена, системы экстренной и неотложной медицинской помощи для укрепления здоровья семьи, для защиты материнства и детства ...»<sup>2</sup>.

---

